



ЎЗКИМЁСАНОАТ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ


2025 йил 15-декабр

“Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналари “Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси” да фаол иштирок этмоқда



Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар залида Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси ўз ишини бошлади.

Саноат соҳасини ривожлантириш, мамлакатимизнинг йирик саноат ташкилотлари ўртасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган кўргазмада “Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналари томонидан 200 га яқин импорт қилинаётган ва тармоқ корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган кимёвий маҳсулотлар намоиш этилмоқда.




Ҷармарка республиканинг йирик саноат ташкилотлари ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантириш билан бир қаторда иштирокчиларга маҳсулотлар ҳақида маълумот тақдим этиш ва истиқболли қўшма лойиҳаларни режалаштириш учун ўзига хос майдон ҳисобланади.



Тадбир давомида В2В ва В2G форматда музокаралар ўтказиш ҳамда ўзаро манфатли шартномалар тузиш режалаштирилган.









Саноат ярмаркаси 19-декабрга қадар давом этади.

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-tarmoq-korhonalari-respublika-tarmoqlararo>